

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРИДУЛЛАЕВА КАМОЛА НЕГМАТИЛЛОЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ДОРИВОР ҚОҚИ ЎТ АСОСИДА ДОРИ
ВОСИТАЛАРИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИ
ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСПЕКТЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси
14.00.41- халқ табobati

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2024

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Нуридуллаева Камола Негматиллоевна

Ўзбекистонда ўсадиган доривор қоқи ўт асосида дори воситалари ва биологик фаол кўшимчаларни яратишнинг назарий ва экспериментал аспектлари..... 3

Нуридуллаева Камола Негматиллоевна

Теоретические и экспериментальные аспекты создания лекарственных средств и БАД на основе одуванчика лекарственного, произрастающего в Узбекистане..... 29

Nuridullaeva Kamola Negmatilloevna

Theoretical and experimental aspects of the creation of medicines and dietary supplements based on dandelion officinalis, growing in Uzbekistan..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРИДУЛЛАЕВА КАМОЛА НЕГМАТИЛЛОЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ДОРИВОР ҚОҚИ ЎТ АСОСИДА ДОРИ
ВОСИТАЛАРИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИ
ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСПЕКТЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси
14.00.41- халқ таботати

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси** В2024.2.DSc/Far43 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайти (www.phatmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот тўғрисида порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	Ризиев Камал Саиджаронович тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим Кариева Ёкут Саиджароновна фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий ошроғчилар:	Назарова Зарифа Алимджоновна фармацевтика фанлари доктори, профессор Атабеков Нурмат Саттиннатович тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим Сетимов Ғайрат Бахтиёрвич техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузурдаги DSc.04/30.12.2019 Far 32.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «8» октябрь соғат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзи: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@phatmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «20» сентябрь кунин тарқатилди.
(2024 йил «20» сентябрь даги 60 рақамли ресурс базасида).



А.Ф. Дуематов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, фарм.ф.д., профессор

Ф.Х. Мақсудова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., доцент

Х.Р. Тухтөев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенция котибиятининг маълумотларига кўра, дунё миқёсида ўсимликлар асосида препаратларнинг савдоси 2000 йилда 60 млрд. долларга, 2010 йилда 90 млрд. долларга баҳоланган бўлса, 2050 йилга келиб йиллик ўсиш 7 % ошиши, ҳажми эса 5 трлн. долларга етиши кутилмоқда. Шу муносабат билан маҳаллий доривор ўсимлик хомашё асосида самарали, кам захарли комплекс дори препаратлари ва биологик фаол қўшимчалар (БФҚ)ни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, турғунлигини таъминлаш, терапевтик самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлаш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида «фармацевтик ремейк» йўналишида, яъни асрлар давомида халқ табобатида кенг қўлланилиб келаётган доривор ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, сифат меъёрлари ва фармакологик фаоллигини белгилаш, улар асосида оригинал, самарали ва хавфсиз дори воситалари ва БФҚни яратиш, шунингдек, уларни расмий тиббиётда қўллашни асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада инулин сақловчи ўсимликлар хомашёсини аниқлаш, уларнинг чинлиги ва сифат мезонларини белгилаш, доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар (БФМ)нинг максимал даражада ажралиб чиқишини таъминлайдиган технологияларни таҳлил қилиш, олинган маҳсулот сифатини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳолаш, ҳамда уларнинг турғунлигини таъминлаш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш, хусусан, фармацевтика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида маҳаллий доривор ўсимликларни ўрганиш, уларни культивация қилиш ҳамда етиштириш бўйича плантацияларни барпо этиш, БФМнинг асосий гуруҳларини ажратиш, импорт ўрнини босиш масалаларини ҳал этиш мақсадида дори воситалари ва БФҚ учун хавфсиз, ресурс ва энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш...”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, доривор ўсимликлар асосидаги иқтисодий самарадор, сифат кўрсаткичлари бўйича халқаро меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган дори воситалари ва БФҚларнинг ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, уларни маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4670-сон, 2020 йил 26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4901-сон, 2022 йил 20 майдаги «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-251-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Доривор ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, БФМни ажратиш учун замонавий энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш, олинган экстрактларни тозалаш, улар асосида дори воситаларни ва БФҚни ишлаб чиқиш, уларнинг зарарсизлиги ва терапевтик фаоллигини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Osaka University of Pharmaceutical Sciences, Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония), University of Hohenheim, University Children's Hospital Essen (Германия), Rutgers University, Ohio State University, Wisconsin-State University (АҚШ), Department of Endocrinology and Internal Medicine (Дания), University of Alberta (Канада), Institute of Pharmaceutical Chemistry, China Medical University (Хитой), Duksung Women's University (Жанубий Корея), University of Tehran (Эрон), Universitas Gadjah Mada (Индонезия), «Stefan cel Mare» University of Suceava (Руминия), School of Studies in Pharmaceutical Sciences, Jiwaji University (Ҳиндистон), Institute of Molecular Biology and Biotechnology (Покистон), Воронеж давлат университети, Санкт-Петербург давлат кимё ва фармацевтика университети, Пятигорск давлат фармацевтика академияси, Олтой давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси); Миллий фармацевтика университетида (Украина) олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.retinajournal.com, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, www.pubmed.com, www.elsevier.com, www.pediatrics.org, www.oxfordjournals.org манбалар асосида кўриб чиқилган.

Доривор қоқи ўт туркумига мансуб ўсимликларни ҳар тарафлама ўрганиш, асосий БФМни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, уларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини халқаро меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш, табиий манбалардан инулин олиш усуллари ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ионлаштирувчи электрон масс-спектрометрия ёрдамида қоқи ўт илдизларида янги терпеноидлар аниқланган (Osaka University of Pharmaceutical Sciences, Япония); *Taraxacum mongolicum* нинг гипополидемик таъсири аниқланган (China Medical University, Хитой); ионли хроматографиясидан фойдаланиб, *Asteraceae* оиласига мансуб ўсимликларда фруктанларнинг янги тури топилган (University of Hohenheim, Германия); *Taraxacum officinale L.* нинг асосий компоненти бўлган таракастериннинг антиоксидант таъсири исботланган (University of Tehran, Эрон); қоқи ўтнинг диабетга қарши хусусиятлари аниқланган, унга асосланган препаратларни II типдаги қандли диабетни даволаш учун қўллаш имкони исботланган (Department of Endocrinology and Internal Medicine, Дания); тижорий миқёда инулин ишлаб чиқариш учун пуркаш орқали қуритиш усулидан фойдаланиш истиқболлари аниқланган (Jiwaji University, Ҳиндистон); ICP-MS спектрометрия усулидан фойдаланиб, доривор қоқи ўтнинг янги терилган ва музлатилган барча қисмларининг кимёвий таркиби аниқланган («Stefan cel Mare» University of Suceava, Руминия); турли ўсимликларда инулинни тўпланиш динамикаси аниқланган (Воронеж давлат университети); қоқи ўт хомашёсидан инулин ва гидроксидолчин кислоталар йиғиндисини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (Олтой давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси).

Бутун дунёда дори воситалари ва БФҚларни яратишда ўсимлик хомашёсидан БФМларнинг манбаи сифатида фойдаланиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, БФМни аниқлашнинг замонавий инструментал таҳлил усуллари ёрдамида ўсимликларнинг кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш, ўсимлик дори воситаларини олиш усуллари ишлаб чиқиш, стандартлаш, уларнинг турғунлигини ошириш йўллари излаш, ўсимлик дори воситаларининг зарарсизлиги ва терапевтик самарадорлигини исботлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ўсимликларни ўрганиш, турли агрегат ҳолатидаги ўсимлик экстрактларини олишда БФМнинг ажралиб чиқишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларни стандартлаш масалаларини ҳал қилиш, дори воситалари ва БФҚ учун мақбул технологияларни ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон олимлари З.А. Назарова, Ф.Ф. Урманова, Х.М. Комилов, Х.М. Юнусова, У.М. Азизов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамиятини таъкидлаш керак.

Дунё миқёсида Т.Кikuchi, А.Тanaka, Y.J.Liu, P.C.Shieh, U.K.Choi, O.H.Lee, S.Rehman, B.Ijaz, M.Yousefi Ghale-Salimi, M.Eidi, S.Pădureț, S.Amariei, S.Huang, S.C.Sigstedt, C.J.Hooten, D.M.Mingarro, A.Plaza, K.Menke,

M.Schwermer, M.A.Nassan, M.R.Flores-Ocelotl, H.A.Дьякова, Л.М.Танхаева, Ю.И.Чистова, H.A.Ананьина, Д.Н.Оленник, A.B.Азнагулова, Л.Ф.Пономарева, B.A.Куркина, C.H.Евстафьева, H.П.Тигунцева томонидан қоқи ўт туркумига мансуб ўсимликларни фитокимёвий таркибини аниқлаш, уларни расмий тиббиётда қўллаш имкониятларини белгилаш, улар асосидаги дори воситаларининг фармакологик фаоллигини ўрганиш, экстрактларни олиш усуллари ишлаб чиқиш ва қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, олинган экстрактлардан фаол субстанция сифатида фойдаланган ҳолда дори воситалари ва БФҚни яратиш соҳасидаги тадқиқотлар эътиборга лойиқдир. Ҳар хил турдаги хомашёлардан инулинни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, уни тозалаш ва стандартлаш, тиббий ва парҳез озикланиш маҳсулотларида қўллаш, фармакотерапевтик самарадорлигини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар Z.Zeaiter, M.E.Regonesi, Q. Le Bastard, G.Chapelet, L.Wang, H.Yang, W.Akram, N.Garud, T.Gao, Y.Jiao, M.Shoaib, A.Shehzad, M.Omar, S.Cavini, M.Labra, G.Sello, F.Javaudin, D.Lepelletier, E.Batard, И.П. Чепурной, В.В. Зинченко, Э.Р.Сербоева, И.Ю. Митрофанова, В.В.Лисовой, Н.Г.Гулюк, Н.Д.Лукин, Ю.А Селиванова, С.М. Кунижева, Э.Н. Швецова, В.Н. Гейко, П.П. Хворост, Н.Ф. Кимиссаренко, Н.Е. Воробьевалар томонидан олиб борилган.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган доривор қоқи ўт хомашёсини (илдизларини) ўрганиш, таркибидаги инулинни ажратиб олиш, унинг асосида дори воситалари ва БФҚларни яратиш ва стандартлашга оид биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Махаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган доривор қоқи ўт илдизини кимёвий таркибини аниқлаш, ундан инулинни ажратиб олишнинг илмий асосланган технологиясини яратиш ҳамда ушбу субстанция асосида БФҚларни ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ушбу фармакотерапевтик гуруҳ вакилларига бўлган талаб бўйича адабиётларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, доривор қоқи ўт асосида инулин сақловчи дори воситалари ва БФҚлар ассортиментини кенгайтириш долзарблигини илмий асослаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган доривор қоқи ўт илдизларининг кимёвий таркибини ўрганиш, асосий биологик фаол моддаларнинг миқдорини аниқлаш, хомашёни стандартлаш ишларини амалга ошириш;

экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланган ҳолда, доривор ўсимлик хомашёсидан инулинни тўлиқ ажратиб олишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш асосида ушбу полисахаридни сақловчи субстанцияни олиш учун мақбул экстракция шароитларини танлаш;

олинган субстанцияни тозалаш учун оптимал шароитларни танлаш, сифат меъёрларини белгилаш;

инулин сақловчи субстанциянинг структура-механик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

олинган инулин сақловчи субстанция асосида капсула шаклидаги монофаол ва комбинирланган БФҚнинг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш;

капсула шаклидаги БФҚларни стандартлаш усулларини ҳамда «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитларини ишлаб чиқиш;

доривор қоқи ўт илдизлари, инулин сақловчи субстанция ва ишлаб чиқилган капсула шаклидаги БФҚларнинг турғунлигини ўрганиш;

дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек БФҚларга тегишли ҳужжатларни тасдиқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида доривор қоқи ўт илдизлари, унинг асосида олинган инулин сақловчи субстанция, шунингдек, «Инумак» ва «Иммунорм» монофаол ва комбинирланган БФҚлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети доривор қоқи ўт асосида инулин сақловчи дори восита ва БФҚларни технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш, турғунлигини белгилаш, шунингдек уларни тиббиёт амалиётга жорий этиш мақсадида тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда замонавий технологик, кимёвий, физик-кимёвий, инструментал, биофармацевтик, фармакологик таҳлил усулларида, шунингдек, экспериментларни математик режалаштириш усулларида ҳамда статистик таҳлил қилишда Студентнинг t - мезони ёрдамида компьютер дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган доривор қоқи ўт илдизлари таркибидаги асосий БФМлар ва уларнинг миқдори аниқланиб, ушбу ўсимлик инулин сақловчилар гуруҳига кириши аниқланган;

доривор қоқи ўт илдизларини стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, хомашё сифатини меъёрлаштирувчи сонли кўрсаткичлар, ҳамда унинг экологик тозаллиги ва хавфсизлигини белгиловчи микробиологик тозаллиги ва контаменантлар миқдори (оғир токсик металллар, радионуклидлар ва пестицидлар) аниқланган;

илк бор экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, доривор қоқи ўт илдизларидан инулинни экстракция қилиш жараёни учун мақбул шароитлар танланган ва субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

олинган субстанцияни ёт моддалардан тозалаш учун инулинни этил спирти ёрдамида чўктириш усули таклиф қилинган; бунда сувли экстрактни оптимал концентрлаш даражаси, концентрат – этил спирти ҳажм нисбати, чўктириш вақти ва этанол концентрацияси аниқланган;

инулин сақловчи субстанциясини стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг чинлиги ва сифат кўрсаткичларининг мезонлари аниқланган;

учта такрорий тажрибага эга 5x5 икки омилли режадан фойдаланиб, инулин сақловчи субстанция асосида капсула шаклидаги «Инумак» БФҚни илмий асосланган таркиби танланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор фаол моддалар (инулин сақловчи субстанция, занжабил куруқ экстракти, аскорбин кислотаси) аралашмасининг структура-механик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш асосида капсула шаклидаги комбинирланган «Иммунорм» БФҚнинг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

доривор қоқи ўт илдизларидан олинган инулин сақловчи субстанцияси асосида олинган капсула шаклидаги монофаол ва комбинирланган БФҚларни стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Инумак» ва «Иммунорм» капсулаларини биофармацевтик нуқтаи назардан *in vitro* усули ёрдамида баҳолаш учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитлари аниқланган;

доривор қоқи ўт хомашёси (илдизлари), инулин сақловчи субстанцияси, ҳамда унинг асосида монофаол ва комбинирланган БФҚларнинг сақлаш шароитлари ва яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

пребиотик, склерозга қарши, иммуностимулловчи таъсирга эга, ҳамда организмнинг бактериял ва вирусли инфекцияларга чидамлилигини оширадиган «Инумак» ва «Иммунорм» биологик фаол қўшимчаларининг хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган;

доривор қоқи ўт илдизлари, унинг асосида олинган инулин сақловчи субстанция, шунингдек, «Инумак» ва «Иммунорм» биологик фаол қўшимчалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий математик-статистик таҳлил усуллари, технологик, физик-кимёвий, биофармацевтик ва клиник олди тадқиқотлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган тадқиқот натижалари тажриба саноат шароитида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида ўсадиган доривор қоқи ўт хомашёсининг кимёвий таркиби аниқланганлиги, унинг асосида инулин сақловчи субстанцияни олиш ва тозалашнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилганлиги, капсула шаклидаги «Инумак» ва «Иммунорм» БФҚларни яратилганлиги, шунингдек уларни замонавий

физик-кимёвий таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда стандартланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “MALIKA LABORATORIES” МЧЖ билан ҳамкорликда қоқи ўт хомашёси (илдизлари)ни тиббиёт амалиётига жорий этиш имконини берадиган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, инулин сақловчи субстанция ҳамда капсула шаклидаги монофаол ва комбинирланган БФҚларни ишлаб чиқариш учун Техник шартлар ва Технологик йўриқномалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Ушбу дори воситаси ва БФҚларни ишлаб чиқариш импорт ўрнини босишда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, инулин сақловчи маҳаллий дори воситалари ва БФҚлар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ўсадиган доривор қоқи ўт асосида дори воситалари ва БФҚларни яратишнинг назарий ва экспериментал аспекти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қоқи ўт илдизлари учун Вақтинча фармакопеея мақоласи (ВФС 42-Уз-5406-2024) ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган ва тиббиётда қўллашга руҳсат этилган (DV/M 04602/03/24-сонли гувоҳнома). Натижада, ўсимлик табиатига эга маҳаллий дори воситалари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Қоқи ўт илдизининг қуруқ экстракти» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 25201521-06:2024) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-06:2024) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖда инулин сақловчи қуруқ экстракт кўринишидаги БФҚни ишлаб чиқариш имконини берган;

доривор қоқи ўт илдизидан олинган инулин сақловчи субстанция асосида «Инумак» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 25201521-08:2024) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-08:2024) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖда капсула шаклидаги БФҚни ишлаб чиқариш имконини берган;

инулин сақловчи субстанция, занжабил қуруқ экстракти ва аскорбин кислотаси асосида «Иммунорм» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 25201521-07:2024) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-07:2024) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, маҳаллий фармацевтик корхонаси «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖда капсула шаклидаги комбинирланган таркибли БФҚни ишлаб чиқариш имконини берган;

Ўтказилган токсикологик синовлар натижасида «ИнуМак» ва «Иммунорм» БФҚларнинг захарли эмаслиги ҳамда самарадорлиги (ЎзР Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг 2024 йил 6 ва 10 июндаги хулосалари) исботланиб, улар ишлаб чиқарилишга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 002543 ва 002544-сон рухсатномалари). Натижада, оксил алмашинуви жараёнларини фаоллаштирувчи ва организмда содир бўладиган биокимёвий жараёнларнинг энергия таъминотини яхшилайдиган хавфсиз БФҚларни ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруратига асосланиб, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор қоқи ўт – инулин сақловчи дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларининг янги ва истиқболли манбаи сифатида**» деб номланган биринчи бобида қоқи ўт (*Taraxacum*) туркумига мансуб ўсимликларни тиббиёт ва фармацевтида қўллаш истиқболлари, хусусан, доривор қоқи ўтнинг (*Taraxacum officinale* Wigg., *Asteraceae* оиласи) турли қисмларининг кимёвий таркиби, ўсимлик хомашёси ва унинг асосидаги дори воситаларининг фармакологик фаоллиги ҳақида маълумотлар берилган. Инулиннинг табиий манбалари, уни амалий қўллаш имкониятлари ва ишлаб чиқариш усуллари ҳам кўриб чиқилган. Патент ва илмий адабиётларда мавжуд бўлган ҳар хил турдаги хомашёлардан инулин олиш усуллари таҳлил қилинган, хомашёдан полисахарид олишнинг тўлиқлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган, шунингдек, тозалаш ва

қуритиш усуллари кўриб чиқилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ушбу диссертация ишида ечиладиган муаммонинг долзарблиги аниқланган.

Диссертация ишининг «**Доривор қоқи ўт илдизларининг кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида қоқи ўт илдизининг БФМнинг асосий гуруҳларини ўрганиш, уларни тавсифлаш ва миқдорий таҳлили (бирламчи ва иккиламчи алмашинуви моддалари, хомашёнинг аминокислотали ва элемент таркиби), шунингдек таҳлил қилинаётган хом ашенинг хавфсизлик даражасини (оғир токсик металлар, радионуклидлар, пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари) белгилаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Олинган натижаларга асосан, таҳлил қилинаётган хомашёда сувда эрувчи полисахаридлар-1 - 13,6%, сувда эрувчи полисахаридлар-2 - 9,4%, пектин моддалар (этерификация даражаси 69,2%) - 2,3%, гемицеллюлоза - 2,3%, органик кислоталар - 2,69%, қандлар - 2,74%, каротиноидлар - 6,3мг%, ошловчи моддалар - 2,8%, кумаринлар - 0,15%, фенолкарбон кислоталар - 0,27% сақланиши аниқланди.

Доривор қоқи ўт илдизининг аминокислотали таркибини аниқлаш 20 та аминокислота мавжудлигини кўрсатди, улардан ўнтаси алмашинмайдиган аминокислоталардир. Аминокислоталарнинг умумий йиғиндиси 31672,64 мкг/г ни ташкил этди, шундан 10561,04 мкг/г (33,34%) алмашинмайдиган аминокислоталарга ва мос равишда 21111,04 мкг/г (66,66%) алмашинадиган аминокислоталарга тўғри келди.

Қоқи ўт илдизларининг элемент таркибини ўрганиш натижасида 56 та минерал элемент мавжудлиги исботланди. Бунда 100 дан 1000 мг/кг гача бўлган концентрацияларда 4 та элемент (St, Na, Fe, P), 10 дан 100 мг/кг гача - 4 та элемент (K, Mn, Ba, Ti), 1 дан 10 мг/кг гача - 11 та элемент (Zn, Ca, Cr, B, Rb, V, Mg, Al, Zr, Ni, Mo), ва 1 мг/кг дан кам – 37 та элемент (Li, Be, Sc, Co, Cu, As, Se, Y, Nb, Ag, Cd, Sn, Sb, La, Ce, Pr, Nd, Sm, Eu, Gd, Tb, Dy, Ho, Er, Tm, Yb, Te, Cs, W, Re, Au, Hg, Tl, Pb, Bi, Th, U) аниқланди.

Оғир металларни атом-абсорбцион усулда аниқлаш натижалари кўрғошин ва кадмийнинг ҳақиқий миқдорини мос равишда 0,915 ва 0,0965 ppm га тенглигини кўрсатди, бу МХ томонидан белгиланган меъёрдан ошмайди.

Пестицидларни газ хроматографияси усулида аниқлаш, гептахлор (0,0319 мг/кг), алдрин ва диэлдрин йиғиндиси (0,0265 мг/кг), ДДТ ва унинг метаболитлари (0,1904 мг/кг) миқдори белгиланган меъёрдан ошмаслигини, шунингдек, гептахлорциклогексаннинг α , β , γ -изомерларининг йўқлиги Европа фармакопоеясининг 6 наشري ҳамда Европа ҳамжамиятининг 76/895 ва 90/642 директиваларида келтирилган меъёрлардан ошмаслиги аниқланди. Шунингдек, қоқи ўт илдизлари радиацион хавфсизлик талабларига жавоб бериши исботланди.

Диссертациянинг «**Доривор қоқи ўт илдизларини стандартлаш**» деб номланган учинчи бобида хомашёнинг чинлиги (ташқи ва анатомик-диагностик хусусиятлар, асосий таъсир этувчи моддаларни аниқлаш

реакциялари) ва сифат кўрсаткичларини (сонли кўрсаткичлар, микробиологик тозалиги) ишлаб чиқишга бағишланган. Шунингдек хомашёда инулин миқдорини аниқлаш натижалари келтирилган, қоқи ўт илдизларини тайёрлаш ва сақлашнинг мақбул муддатлари экспериментал тарзда асосланган.

Қоқи ўт илдизларининг микроскопик таҳлили илдизнинг кесимида кўп қаторли жигарранг пробка мавжудлигини кўрсатди. Унинг орқасида илдиз кесимининг 40% эгаллаган кенг иккиламчи пўстлоқ жойлашган. У паренхиманинг катта овал ингичка деворли хужайраларидан иборат бўлиб, унда 15-16 қатор яхши ривожланган бош толалар гуруҳлари жойлашган. Пўстлоқ паренхимасининг хужайраларида инулиннинг рангсиз бўлаклари кўринади, улар препарат қиздирилганда осонгина эрийди. Иккиламчи пўстлоқнинг узлуксиз ҳалқаси ядро нурлари билан узилиб, атрофга қараб кенгаяди. Пўстлоқнинг ўтказувчан элементлари орасидан ўтиб, уларни алоҳида гуруҳларга ажратадилар. Камбий чизиғи аниқ.

Таҳлил қилинаётган илдизларда инулин миқдори СФ-метрик усулда аниқланди. Олинган натижаларга кўра, 95% ишончилилик эҳтимоли билан аниқлашнинг нисбий хатоси $\pm 2,93\%$ дан ошмади. Хомашё таркибидаги фруктозанлар миқдори фруктоза ва мутлоқ куруқ хомашёга нисбатан 20,11% дан 20,55% гача ораликда бўлиб, бу 18% дан кам бўлмаган миқдор меъёрини белгилаш имконини берди.

Қоқи ўт илдизларида инулиннинг тўпланиш динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг максимал миқдори ўсув даврининг охирида ($20,55 \pm 2,43\%$), минимал миқдори эса ўсимликнинг гуллаш ($10,52 \pm 2,47\%$) ва шоналаш ($12,07 \pm 2,23\%$) даврида кузатилади. Олинган натижаларга кўра, хомашё тайёрлашнинг оптимал муддати сифатида ёзнинг охири - кузнинг боши (август-сентябрь) тавсия этилади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида доривор қоқи ўт илдизларининг спецификацияси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Доривор қоқи ўт илдизларидан инулинни ажратиб олишнинг sanoat технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби экспериментларни математик режалаштириш усули ёрдамида қоқи ўт хомашёсидан инулинни ажратиб олишнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш, уни ёт моддалардан тозалаш усулини танлаш, стандартлаш ва яроқлилик муддатини белгилашга бағишланган.

Қоқи ўт илдизларидан инулин экстракциясининг мақбул усулини танлаш учун хомашё тўрт хил усулда экстракция қилинди. Олинган сувли экстрактлар филтрланди, бирлаштирилди ва куруқ массаси 10% га қадар концентрланди (вакуум $-0,8 \dots -0,6$ кгс/см², ҳарорат 60°C), сўнг концентратни форсунка типдаги пуркагичли қуритгичда (Anhydro No. 2 русумли) қуритиш агенти кириш жойида - 170-180 ° С ҳароратда, чиқишда - 85-90 ° С ҳароратда қуритилди, эритмани юбориш тезлиги - 5 л/соат, эритмани юбориш босими 0,2 МПа.

Турли экстракция усулларидан фойдаланган ҳолда ўсимлик хомашёдан олинган куруқ экстракт ва инулиннинг унуми 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қоқи ўт илдизларидан инулин унумига экстракция усулининг таъсири


Экстракция усуллари	Куруқ экстракт унуми, хомашё массасига нисбатан %	Инулин унуми, хомашё таркибида %	Экстракция гидромодули
1	16,35	40,24	1:18
2	28,28	76,45	1:18
3	45,32	96,29	1:18
4	44,94	95,42	1:34

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 1-усул (статистик шароитда совуқ сув билан экстракция) ёрдамида хомашёни экстракция қилишда куруқ экстракт ва инулин миқдори бошқа кўриб чиқилган усулларга қараганда паст бўлди. Экстракциянинг 2-усулида (статистик шароитда иссиқ сув билан экстракция) экстрактор ичида иссиқ сувнинг нотекис тақсимланиши кузатилди. Бундан ташқари, экстрактор деворлари яқинида экстрактив моддаларнинг қисман қизиши кузатилди. Ушбу усулнинг бу камчиликлари куруқ экстракт ва инулин унумининг пасайишига олиб келди. 3-усул (экстрагентнинг мажбурий циркуляцияси қилиш усули) ва 4-усул (гирдобли экстракция) ёрдамида хомашёни экстракция қилишда қониқарли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, гирдобли экстракция вақтида экстрагентнинг сарфланиши деярли 2 барабар кўп бўлди ва экстрактнинг унуми экстрагентнинг мажбурий циркуляция қилиш усулига нисбатан пропорционал равишда ошди. Инулин миқдори паст бўлган экстрактнинг унумини ошириш экстрактни концентрациялашда энергия ва вақт сарфини кўпайтиришга олиб келади. Бундан ташқари, гирдобли экстракцияда қуйидаги камчиликлар кузатилди: аралаштиргичларнинг ишлаши жараён ҳароратининг ошишига олиб келди, бу жараён ҳароратини тўғирлашда қийинчиликларни туғдирди; интенсив аралаштириш билан хомашёни майдалаш даражаси ошди, бу эса экстрактни шротдан ажратишда қийинчиликларга олиб келди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қоқи ўт илдизларидан инулин олиш учун экстрагентнинг мажбурий циркуляция қилиш усули танланди.

Хомашёни майдалигининг мақбул даражасини танлаш бўйича тадқиқот натижалари 1-расмда келтирилган. Заррачалар майдалигининг мақбул даражаси 4 - 8 мм ўлчам эканлиги аниқланди.

Қоқи ўт илдизидан инулинни экстрагентни мажбурий циркуляция қилиб экстракция қилиш усулига экстракция гидромодули, экстрагентни циркуляция қилиш тезлиги, жараённинг ҳарорати ва давомийлигининг таъсири баҳолаш учун экспериментларни математик режалаштиришнинг Бокс–Уилсон усули ёрдамида оптималлаштирилди.



Расм 1. Қоқи ўт илдизларидан қуруқ экстракт ва инулин унумига 80°C ҳароратда сув билан экстракциялашда хомашёни майдалик даражасининг таъсири

Оптималлаштириш параметри сифатида фазаларнинг биринчи таъсирида инулиннинг хомашё массасига нисбатан унуми олинди. Априор маълумотларга асосланиб, ўрганилаётган омиллар учун 2-жадвалда келтирилган асосий даражалар ва вариация интерваллари ўрнатилди.

2-жадвал

Вариация омиллари ва интерваллари

Омил даражаси	Омил			
	X ₁ экстракция гидромодули	X ₂ экстрагент циркуляцияси тезлиги	X ₃ жараён ҳарорати	X ₄ жараён давомийлиги
Юқори	1:5	90	80	5
Ўртача	1:4	80	70	4
Паст	1:3	70	60	3
Вариация интервали	1	20	10	1
Ўлчов бирлиги	-	л/соат	°C	соат

Уларнинг миқдорий ҳиссасига қараб омиллар қуйидаги тартибда жойлашади: X₃ > X₄ > X₁ > X₂.

Шундай қилиб, экспериментни математик режалаштириш усулидан фойдаланган ҳолда олиб борилган тадқиқотларда хомашё экстракциясининг оптимал шароитлари аниқланди, яъни сув билан 80 ° C ҳароратда экстракция қилиш, экстракция гидромодули - 1:5, экстрагентнинг циркуляция тезлиги - 90 л/с, экстракция вақти - 5 соат.

3-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, инулин экстракцияси 80 ° C ҳароратда қоқи ўт илдизларидан сув билан экстрагентнинг мажбурий циркуляцияси қилиш усулида экстракция уч марта амалга оширилиши кераклиги аниқланди. Бунда биринчи экстракция вақти камида 4 соат, иккинчи ва учинчи экстракциялар ҳар бири 3 соат бўлиши керак.

Олинган субстанцияни максимал даражада тозалаш мақсадида алоҳида тажрибаларда доривор қоқи ўт илдизидан олинган инулинни тозалаш усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Бунинг учун турли усулларда инулиннинг учта намунаси олинди.

Вақтга қараб хомашёдан инулиннинг экстракцияси динамикаси

Фазалар нинг ўзаро таъсири	Вақтга қараб инулиннинг унуми, хомашё массасига нисбатан %									
	0,5 соат	1 соат	1,5 соат	2 соат	2,5 соат	3 соат	3,5 соат	4 соат	5 соат	6 соат
1	0,8	0,9	4,68	7,22	11,43	15,25	18,12	19,25	19,37	19,37
2	0,4	1,05	2,28	4,34	7,12	7,12				
3	0,2	0,6	1,28	3,05	3,05					
4	0,1	0,2	0,28	0,28						

Биринчи усулда сувли экстрактни тўғридан-тўғри қуриштиришга асосланган. Иккинчисидан - ўсимлик хомашёсини икки марта қайта экстракция қилишга эътибор қаратилди, бунда биринчи босқичда паст молекулали полисахаридлар совуқ сув билан экстракция қилиб, йўқотилди ва сўнг инулин иссиқ сув билан экстракция қилиб олинди. Учинчи усулда инулин этил спиртидан чўктириш орқали тозаланди. Ҳар бир усул учун инулиннинг унуми ва унинг тозаллиги таҳлил қилинди (2-расм).



Расм 2. Доривор қоқи ўт илдизларидан инулин намуналарининг унумига олиш усулининг таъсири

3-расмда келтирилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, биринчи усулда инулин унуми хомашёдаги миқдорига нисбатан 90,07% ни, иккинчи усулда - 42,16% ва учинчи усулда - 81,47% ни ташкил қилди. Тадқиқот натижаларига асосан, хомашёни совуқ сув билан ювишда ҳам инулиннинг бир қисми йўқолди. III-намунадаги инулин миқдори бошқа намуналарга қараганда юқори бўлди, чунки инулиннинг йўқолиши тахминан 9 % ни ташкил қилди.

Чўктириш вақтини аниқлаш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Этанол қўшилгандан кейин 8 соат давомида инулин максимал даражада чўкиши аниқланди. Сув-спиртли эритмани 12 соатдан ортиқ ушлаб туриш йўлдош моддаларнинг чўкишига ҳам олиб келди, улар эса мақсадли маҳсулот сифатини пасайтиради.

Инулинни чўктириш учун этил спирти ва сувнинг оптимал нисбатини аниқлаш мақсадида тажрибалар қуйидагича олиб борилди: 12 кг хомашё I-намуналарининг олишдаги аналогик шароитларда экстракция қилинди, олинган экстрактлар бирлаштирилди, филтрланди ва 10 қисмга бўлинди. Ҳар бир

қисм турли курук қолдиқ миқдоригача концентранди. Ҳар бир концентратдан инулинни чўктирилиш учун 95% ли этил спирти турли миқдорда қўшилди. Сув-спиртли эритма 8 соат тиндирилди. Чўкмалар филтрланди ва қуритгич шкафида 60 °С ҳароратда қўритилди (4-жадвал).


4-жадвал

Инулин унуми ва тозалигига экстракт қуюқлиги ва қўшилган 95% этил спирти миқдорини таъсири

Тажриба рақами	Концентранган экстрактдаги курук қолдиқ таркиби, %	Концентрат-спиртнинг ҳажмий нисбатида қўшилаётган 95 % этил спирти миқдори	Хомашё массасига нисбатан унуми, %	Инулин тозалиги, %
1	60	1:4	22,75 ± 0,46	72,94 ± 2,19
2	60	1:5	26,12 ± 0,53	76,55 ± 2,26
3	60	1:6	29,85 ± 0,74	80,07 ± 2,38
4	70	1:3	27,68 ± 0,55	79,56 ± 2,32
5	70	1:4	30,14 ± 0,85	81,38 ± 2,40
6	70	1:5	30,48 ± 0,87	80,79 ± 2,44
7	70	1:6	31,65 ± 0,92	75,36 ± 2,25

Шундай қилиб, инулинни чўктириш учун олинган сувли экстрактни 70% курук қолдиқ миқдоригача концентранди, 1:4 ҳажмий нисбатда 95% этил спирти қўшиш ва 8 соат тиндириш тавсия этилади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида доривор қоқи ўт илдизидан курук экстракт шаклидаги инулин сақловчи субстанцияни олишнинг саноат технологияси ишлаб чиқилди (3-расм).



1 – тарози, 2 – болғали тегирмон, 3 – экстрактор, 4 ва 6 – йиғичлар, 5 – пресс-филтри, 7 – вакуум-буғлатиш ускунаси, 8 – реактор, 9 – ўлчагич, 10 – нутч-филтри, 11 – қуритиш шкафи, 12 – пичоқли тегирмон, 13 – элак.

Расм 3. Доривор қоқи ўт илдизидан инулин сақловчи субстанцияни олишнинг ускуна чизмаси

Кейинги тадқиқотлар олинган субстанцияни стандартлашга қаратилди (5-жадвал).

5-жадвал

Доривор қоқи ўт илдизидан олинган инулин сақловчи субстанциянинг тавсифи

№	Аниқланган кўрсаткичлар	МҲ бўйича талаблар	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниш	Оқ қаймоқсимон рангли аморф қуқун, оч жигарранг қўшимчалар билан	мос
2	Эрувчанлик	Иссиқ сувда осон эрийди ва совуқ сувда кам эрийди	мос
3	Чинлиги	1. 1-2 мл инулиннинг сувли эритмасига тимол эритмаси билан сульфат кислота қўшилади, қизғиш-қизил ранг пайдо бўлиши керак. 2. 1-2 мл инулиннинг сувли эритмасига α -нафтолнинг 20% ли спиртли эритмаси ва концентранган сульфат кислотаси қўшилади, бинафша-пушти ранг пайдо бўлиши керак.	мос
4	Қуритишда масса йўқолиши	5% дан кўп бўлмаган	$3,56 \pm 0,11\%$
5	Оғир металллар	0,001% дан кўп бўлмаган	мос
6	Умумий қул	2% дан кўп бўлмаган	$1,47 \pm 0,04\%$
7	Микробиологик тозалик	1 г қуруқ экстрактада 10^4 КҲҚБ дан кўп бўлмаган аэроб микроорганизмларнинг умумий сонига рухсат берилади, хамиртуруш ва моғор замбуруғлар - 10^2 КҲҚБ дан кўп эмас, сафрога чидамли энтеробактериялар <i>Pseudomonas aeruginosa</i> , <i>Staphylococcus aureus</i> , <i>Escherichia coli</i> бўлмаган ҳолда - 10^2 КҲҚБ дан кўп эмас. 25 г қуруқ экстрактада <i>Salmonella</i> туркумли бактериялари бўлмаслиги керак	мос
8	Инулин тозалиги, %	80,0% дан кам бўлмаган	$81,60 \pm 2,42$

Тақдим этилган натижаларга кўра, доривор қоқи ўтидан қуруқ экстракт шаклида олинган субстанция таҳлил қилинган кўрсаткичлар бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берди.

Субстанциянинг яроқлилиқ муддати 2 йилга тенг деб белгиланди.

Диссертациянинг «Доривор қоқи ўтнинг қуруқ экстракти асосида «Инумак» монофаол биологик фаол қўшимча технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи боби капсула шаклидаги БФҚнинг оптимал таркиби ва технологиясини танлаш, стандартлаш, "Эрувчанлик" синовини ўтказиш учун шарт-шароитларни ишлаб чиқиш, шунингдек, сақлаш муддатини белгилаш бўйича тадқиқотларга бағишланган.

Дастлабки тадқиқотлар субстанциянинг структура-механик ва технологик параметрларини аниқлашга қаратилди. Микроскоп ёрдамида заррачаларнинг аниқланган ўлчамлари 6-жадвалда келтирилган.

Инулин сақловчи субстанциянинг заррачалари пластинка шаклидаги кристаллитлар бўлиб, ўртача узунлиги 49,77 мкм дан 95,41 мкм гача ва кенлиги 23,07 мкм дан 43,70 мкм гача эканлиги аниқланди. Бунда заррачаларнинг ўртача узунлигининг ўртача кенлигига нисбати учта таҳлил қилинган серия учун мос равишда 1:1,69; 1:2,18; 1:2,27 тенг бўлди. Яъни


барча ҳолларда бу нисбат 3:1 дан кам эди, бу субстанция заррачаларини анизодиаметрик гуруҳига киритиш имконини берди.

6-жадвал

Микроскопик усул билан аниқланган инулин сақловчи субстанциянинг заррачалар ўлчамлари

Кўрсаткичлар	Сериялар		
	12012021	14012021	16012021
Максимал узунлик, мкм	76,42	129,48	63,74
Минимал узунлик, мкм	23,11	61,34	41,16
Узунликнинг ўртача қиймати, мкм	49,77	95,41	52,45
Максимал кенглик, мкм	38,96	69,23	33,15
Минимал кенглик, мкм	20,1	18,16	12,98
Кенгликнинг ўртача қиймати, мкм	29,53	43,70	23,07
Узунликнинг кенгликка нисбати	1:1,69	1:2,18	1:2,27

Элакдан ўтказишда уч сериядаги субстанция заррачаларини фракцияларга тақсимланиши 4- расмда келтирилган.



Расм 4. Инулин сақловчи субстанцияни элакдан ўтказиш натижалари

Микроскопик ва элак таҳлили натижаларига кўра заррачаларнинг ўртача ўлчамларини ҳисоблаш икки хил усул ёрдамида олинган қийматлар фарқ қилишини кўрсатди. Масалан, таҳлил қилинаётган сериядаги элак таҳлили натижаларига кўра заррача ўлчами микроскопик таҳлил натижасида олинган шунга ўхшаш кўрсаткичлардан 8,76; 6,11 ва 10,01 баравар юқори бўлди. Ушбу номувофиқлик ўсимлик табиатига эга субстанцияларга хос бўлган гигроскопиклик ёки заррачаларнинг адгезияси билан изоҳланади.

Бошқа технологик кўрсаткичларни ўрганиш ҳам амалга оширилди, улар субстанциянинг учта серияси учун ўтказилди (7-жадвал).

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинаётган субстанциянинг қоникарли сочилувчанлигидан далолат беради, аммо кукун заррачаларининг адгезия ва намлик ютишга мойиллиги кузатилди, бу эса капсуланадиган масса таркибини танлашда ёрдамчи моддаларни қўллаш зарурлигини белгилайди.

**Инулин сақловчи субстанциянинг айрим технологик кўрсаткичларини
аниқлаш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	Олинган натижалар
Вибросилкитишсиз сочилувчанлик	10^{-3} кг/с	7,15±0,94
Вибросилкитиш билан сочилувчанлик	10^{-3} кг/с	12,51±1,08
Зичлашдан олдин сочилувчан ҳажм	см ³	140,32±11,53
Зичлашдан сўнг сочилувчан ҳажм	см ³	112,27±6,76
Кукуннинг зичланиш хоссаси	см ³	5,1±0,37
Зичлашдан олдин сочилувчан зичлик	кг/м ³	714,29±38,1
Зичлашдан сўнг сочилувчан зичлик	кг/м ³	892,86±26,34
Табиий оғиш бурчаги	градус	42,8±4,6
Прессланиш коэффициенти	%	10,0±0,8
Хауснер коэффициенти		1,25±0,16
Карр индекси		19,96±1,03
Остаточная влажность	%	3,23±0,36

Капсула шаклидаги «Инумак» БФҚни таркиби ва технологиясини илмий асослаш учун такрорий кузатувлар билан икки омилли дисперсион таҳлил усулидан фойдаланилди. Омиллар сифатида тўлдирувчи тури (А омил) ва намлантирувчи агент (В омил) нинг таъсири ўрганилди. Жавоб - *in vitro* тажрибаларида фармацевтик фаол субстанциянинг ажралиб чиқиши.

Тўлдирувчи функциясини бажариш учун ёрдамчи моддалардан қуйидагилар танланди: a_1 - лактоза моногидрат (Ph. Eur.); a_2 - микрокристаллик целлюлоза (ЎЗР ДФ I нашри, Ph.Eur.); a_3 - мальтодекстрин (Ph. Eur.); a_4 - микрокристаллик целлюлоза (ЎЗР ДФ I нашри, Ph.Eur.) + аэросил (CAS:9005-84-9); a_5 - мальтодекстрин (Ph. Eur.) + аэросил (CAS: 9005-84-9).

Массани намлаш учун: b_1 ва b_2 - мос равишда 40% ва 70% этил спирти (ЎЗР ДФ I нашри); b_3 - тозаланган сув (ФС 42 Уз 0511-2022); b_4 ва b_5 - мос равишда 5% ва 10% картошка крахмалининг эритмаларидан (ЎЗР ДФ I нашри, Ph.Eur.) фойдаланилди.

5x5 тажриба режаси ва 45 дақиқада модел капсулалардан инулинни ажралиб чиқиши натижалари 8-жадвалда келтирилган.

Инулинни ажралиб чиқиши бўйича натижалар кўрсатиши бўйича, А омил учун учта таъсир ижобий ($a_2=0,40$, $a_3=1,49$ и $a_4=7,27$), қолган иккита таъсир салбий белгига эга ($a_1=-7,75$; $a_5=-1,41$) бўлди. В омил учун ҳам 3 та таъсир ижобий белгига ($b_1=3,24$, $b_2=2,71$ и $b_3=5,89$), иккита таъсир салбий белгига ($b_4=-2,98$; $b_5=-8,85$) эгаллиги аниқланди. Инулиннинг ажралиб чиқишини ошириш кераклиги сабабли, МКЦ (a_2), мальтодекстрин (a_3) ва МКЦ + аэросил (a_4) каби ёрдамчи моддаларини, шунингдек намлантирувчи агентлардан - тозаланган сув (b_3), 40% этил спирти (b_1) ва 70% этил спиртни (b_2) қўллаш мақсадга мувофиқлигини олдиндан аниқлаш мумкин. Ўзаро таъсирларнинг натижасини кўриб чиқишда a_1b_1 , a_1b_3 , a_1b_4 , a_1b_5 , a_2b_1 , a_2b_2 , a_2b_3 ,

$a_3b_2, a_3b_5, a_4b_4, a_4b_5, a_5b_1, a_5b_4$ ижобий натижаларни берди. Ўзаро таъсир натижалари омилларнинг ўзаро таъсири мураккаблигини кўрсатди.

8 - жадвал

**Учта такрорий тажриба билан 5x5 икки омилли режасида
модель капсулалардан инулинни ажралиб чиқиши, %**

А омилли	В омилли					А омил даражалари бўйича йиғиндилари
	b_1	b_2	b_3	b_4	b_5	
a_1	58,38	60,34	63,31	59,38	48,04	873,21
	64,92	56,08	68,16	53,19	52,83	
	63,76	55,57	62,60	57,44	49,21	
	187,06	171,99	194,07	170,01	150,08	
a_2	69,15	75,66	76,29	62,93	49,17	995,56
	72,37	71,19	72,11	57,58	53,86	
	73,64	71,30	74,84	60,41	55,06	
	215,16	218,15	223,24	180,92	158,09	
a_3	68,14	72,38	76,14	65,92	57,27	1011,85
	66,84	67,12	70,34	61,11	61,39	
	73,03	73,59	72,67	64,83	61,08	
	208,01	213,09	219,15	191,86	179,74	
a_4	74,22	73,34	78,15	70,67	66,39	1098,57
	74,15	76,92	76,03	69,16	70,15	
	72,09	75,84	76,94	73,59	70,93	
	220,46	226,10	231,12	213,42	207,47	
a_5	69,36	70,25	68,60	62,39	50,46	968,30
	70,12	63,68	70,34	63,14	56,74	
	67,91	66,87	71,28	63,06	54,10	
	207,39	200,80	210,22	188,59	161,30	
В омил даражалари бўйича йиғиндилари	1038,08	1030,13	1077,80	944,80	856,68	4947,49

Аниқланишича, таъсир этувчи фармацевтик субстанциянинг тўлиқ ажралиб чиқишига тўлдирувчи моддаларни таъсирга кўра қуйидагича жойлаштириш мумкин: $a_4 > a_3 (a_5, a_2) > a_1$. Шундай қилиб, модел капсулаларида ишлатиладиган бешта тўлдирувчи моддадан инулинни ажралиб чиқиши нуқтаи назардан энг мақбули МКЦ ва аэросил аралашмасидир.

Намлантирувчи агент учун афзаллик қатори қуйидагича белгиланди: $b_1 = b_2 = b_3 > b_4 > b_5$. Яъни тозаланган сув, 40% ва 70% этил спирти каби намловчи моддалар афзалроқдир. Иқтисодий нуқтаи назардан тозаланган сувдан фойдаланишга қарор қилинди.

